



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2019
A
Aksher Navoiy
nomidagi
uzbekiston MK

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 22-oktabr, seshanba * № 38 (1150)

Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан, ОЖА ТУЛАМ!

Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз ТИМСОЛИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар! Азиз дўстлар! Авваламбор, мана шу қувончли айёмда барчангизни азим пойтахтимизнинг марказида барпо этилган, кунги кеча ишга туширилган муҳташам ва улғувор қошонада хуш кайфиятда кўриб, қўтлаб турганимдан гоёда бахтиёрман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни тарихий сана — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яққол намойиш этадиган янги бино ва иморатлар бугун барча шаҳар ва вилоятларимизда кўпайиб кетди.

Албатта, уларнинг орасида "Тошкент-Сити" ишбилармонлик маркази алоҳида ажралиб туради.

Гувоҳ бўлиб турганимиздек, "Тошкент-Сити" маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятини яққол мужассам этади.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад — замонавий, "ақлли шаҳар" барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ва инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гўзал пойтахтимиз жозибдорлигини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистон тараққийини янги босқичга кўтариш мақсадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини изчил амалга ошираётганимиздан халқимиз ва халқаро ҳамжамият яхши хабардор, албатта. "Тошкент-Сити" марказини барпо этиш гоёси ҳам айнан ўша стратегия билан бир пайтда туғилган эди.

Ўзбекистон тажрибасида биринчи бўлган шундай катта миқёсдаги ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун кўп нарсани янгитдан ўрганишимиз, тинимсиз излашимизга тўғри келди.

Қурилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этади.

Барчангиз кўриб турибсиз, бугун бу ҳудудда улкан бунёдкорлик ишлари жадал

давом этмоқда. Насиб этса, 2021 йилда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ушбу марказ халқимизга ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат қилишни бошлайди.

Қисқача айтганда, "Тошкент-Сити" маркази Ўзбекистонда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққийнинг янги даври бошлангани, бу соҳада биз кўп нарсага қодир эканлигимизни кўрсатади, десак, айтиш ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг очилган ва конструктив сиёсати билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб бормоқда. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, молиявий институтлар, ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистонда қатор тадбирлар, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Табиийки, келгусида бу жараёнлар янада қучаяди, Ўзбекистон яна кўпайиб йирик халқаро саммитлар, форум ва симпозиумларга мезбонлик қилади.

Шу маънода, ушбу муҳташам мажмуа нафақат давлатимиз, балки халқаро аҳамиятга эга бўлган янги гоё ва ташаббуслар туғилдиган, муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинадиган масканга айланади, деб ишонамиз.


Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муаззам саройнинг бунёдкорларига — моҳир меъмор ва лойиҳачиларга, ишчи-муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар! Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққийёт даврининг, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлмиш мана шу бетакрор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга — давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказётганимиз бежиз эмас.

Бугун ушбу муҳташам мажмуага дастлабки азиз меҳмонлар сифатида ташриф буюрган сиз, қадри юртдошларимизни, муҳтарам фахрийларимизни, она тилимизнинг жонқуяри бўлган зиёлиларимизни, депутат ва сенаторларимиз, фаол ёшларимизни, дипломатик корпус вакилларини чин қалбимдан табриқлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу муаззам қошона барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин! Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Давоми 2-бетда



Маънавиятимизнинг битмас-туганмас манбаи

Пойтахтимиздаги муҳташам Халқаро Конгресс марказида 21 октябрь кунги ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, ижодкор зиёлилар, тилшунос олимлар, ёшлар иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев йиғилганларни, бутун халқимизни ушбу тарихий сана билан табриқлаб, ўзбек тилининг тараққийоти ва истиқболлари ҳақида нутқ сўзлади.



Ҳазрат Навоий қошида

Кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирида турли вазирликлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Шу кунги Ҳазрат Алишер Навоий номидаги Миллий боғ кўёш уфқдан бош олиб оламни ёрита бошлагандан ўзгача файз таратди. Баланд-ласт тепаликларда ястанган кўм-кўк майсалар, назмда жамланган мажнунона мажнунтоллар, кузнинг намхуш ҳавосига бўй бермай ғунчалаган Лайли мисол атиргуллар кўнгилга тароват бағишлади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустақам

ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган бош тамойил асосида тараққийнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ис-

лохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданияти-

ни, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий аъёна ва қадриятларга садоқат, улғу аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тараққийёт стратегияси" маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь санасини "Ўзбек тили байрами кунини" деб эълон қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Давоми 3-бетда

"ОБУНА — 2020"

Келгуси
йил учун
обуна
давом
этмоқда.



Азиз юртдошлар,
"HURRIYAT"га
ошно юраклар — албатта
обуна бўлинг.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Нашр индекси: 233.

Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Давом. Бошланғич 1-бета

Қадри ватандошлар!
Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Кимда-ким ўзбек тилининг борлатофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига қулоқ тугтсин.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва галабалари билан chambarchас боғлиқдир.

Аждодларимиз, ота-оболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадиий дурдоналар яратганлар.

Ўтмишда ўлкамизни босиб олган турли ёвуз кучлар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину диёнатимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қандай азоб-уқубатлар, кулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз овозиди эшитиб, истиқлоли учун мардона курашди. Бу йўлда беҳисоб қурбонлар берди. Хар қандай зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўз она тилини — миллий гурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга беэроз етказиб берди.

Бу борада маънавий жасорат ва фидойилик кўрсатган буюк арбобларимиз, адиб ва олимларимиз, уламоларимиз, улуғ санъаткорларимизнинг хотирасини бугун ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ушбу қутлуг айёمنى байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябрь санасини — «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кунни эслашимиз ўринлидир.

Юртимизда мустақил тузум ҳали ўз ҳуққини ўтказиб турган гоётир шариотда халқимизнинг тақдирини ва келажакини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атофидида қандай қизгин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, ўйламанки, кўнчилик ўргатошларимиз жуда яхши эслайдиган. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидойи ва ватанпарвар зиёлилларимиз, кенг жамоатчилиқнинг қатъий шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз мухтарам Ислон Абдуғаниевич Қаримовнинг сиёсий иродиси катта ўрин тутди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улуғ мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Бу қонун халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги азму қарорининг ёрқин намоёни бўлди. Орадан икки йил ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилинди.

Мамалятимизнинг Асосий қонуни — Конституциямизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди. Юртимиз буйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадхияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдирди.

Ўзбек тили ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзaro боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланди.

Бундан беш аср муқаддам хазрат Алишер Навоий: «**Турк назмида чу мен тортиб алам,** **Айладим ул мамлакатни якқалам**», деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.

Барчамизга яхши аёнки, она тили — миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, **хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаётти — бу унинг миллий тили ва адабиётидир.**

Шу маънода дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат, аввало, ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Мустақиллик йилларида она тилимизни том маънода давлат тилига айлантириш йўлида катта чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Хозирги кунда Ер юзиди 7 мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилига давлат тили мақомини ҳуқуқий жиҳатдан муҳрлаб берган мазкур қонуннинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу тарихий воқеадан сўнг лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш ҳақида яна бир муҳим қонун қабул қилинди.

Ҳурматли ватандошлар! Бугун жоҳон Ўзбекистонимиз «**Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари**» деган устувор гоё асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда.

Барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

Хозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини тақомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган унлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили раванқига бевосита хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда она тилимизда фаолият юритадиган юзлаб боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, янги газетлар ва журналлар, теле-радио каналлар, нашрийётлар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилаётганини қайд этиш лозим.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда фольклоршунослик, диалектология, туркология, матншунослик каби йўналишлар очилди.

Бу борада янги ўқув дастурлари яратилаётгани, дарслик ва қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилаётгани, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида ўзбек тилининг бугунги ва истиқбол ҳақида амалий тақлиф ва ташаббуслар билдирилгани гоётир муҳим аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, азим пойтахтимиз марказидаги Миллий боғ ҳудудида Адиллар хиббони бунёд қилинмоқда. Бу гўзал масканда барлоқ этилаётган ёдгорлик мажмуалари адабиётимизнинг буюк намоёндалари, ўзбек тилининг чинакам жонқурлари хотирасига бағишлангани, айниқса, эътиборлидир.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактабларини ташкил этдик. Мухаммад Ризо Оғайи, Исҳоқон Ибрагим, Абдулла Қодирий, Хамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсуфов, Халима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф номларидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадиий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилмоқда.

Хозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонимизни дунёга таранум этишда она тилимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозғистон, Туркманистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университети ва 100 дан зиёд мактабига ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий излашлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин қўпаймоқда.

Шу борада мамлакатимизнинг хорিজдаги элчионалари ва дипломатик ваколатхоналари қошида «**Ўзбек тилининг дўстлари**» клублари ташкил этилаётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги қувончимизга шерик бўлаётган чет давлатларнинг мухтарам элчилирига, халқаро ташкилотлар вакилларига уларнинг юртларида ўзбек тилига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун ташаккур изҳор этаман. Айниқса, Ўзбекистондаги хизмат фаолияти давомида ўзбек тилини ўрганиб, фаол мулоқот қилаётган хорижий дипломатларга алоҳида миннатдорчилик билдиришмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, яқинда Ўзбекистон Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Бу, ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиради, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақомини юксалтиришга хизмат қилади.

Кенгаш саммитида билдирган ташаббусларимиз, хусусан, қардош халқлар адабиётининг энг сара намуналари муҳассам бўлган юз жилдик «**Туркий адабиёт хазинаси**» китоблар туркумини аъзо давлатларнинг она тилларида

нашр этиш тақлифимиз ижобий қабул қилинди.

Ўзбек тилининг ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам қўйдик. Мен бугун «**Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақоми тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Фармонга имзо чекдим. Унга биноан «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда «**Ўзбек тили байрами кунни**» деб белгиладим.

Ўйламанки, ўзбек тили байрамининг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонланиши халқимизнинг миллий руҳи ва гурурини юксалтириш билан бирга, давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилади.

Ушбу фармонда она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид қўллаб масалалар қаторида **Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма** ташкил этилгани ҳам сизларга маълум қилмоқчиман.

Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлариға риоъ қилинишини, соҳаға оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада янча давлат сиёсати амалға оширилишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижда ҳаётимизга четдан қўллаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда.

Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилани яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тўғриси айтиш керак, бу масалада ҳам оқсоқлимиз бор эди. Шу муносабат билан фармонда янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолға киритиш борасидаги ишларни тартибға солидиган **Атамалар комиссияси**ни тузиш масаласини ҳам назарда тутдик.

Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булогидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва гамхўрлик мамлакатимизда бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Қадри қортоқлар! Маълумки, Ватанимиз неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимдан диёримизда халқимиз билан бирга турли миллат вакиллари елкадош, ахил ва ҳамжиҳат бўлиб, тинч ва осойишта муҳитда яшаб келдилар.

Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларининг она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайди. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати тўғрисида, хозирда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллариға ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва жойларда фаолият кўрсатаётган 140га яқин миллий маданий марказ айни шу мақсадға хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Доно халқимиз «Тил билган — эл билади» дейди. Бу борада буюк боболаримиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак чўққиларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, италян, араб, форс, турк, хитой, япон, корейс, Ҳинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу аъналар давом этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашға бўлган улкан кизиқиши ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Мен бугун азиз болаларимизға мурожаат қилиб, улуғ аллома, XX аср бошида олти тилли — ўзбек, араб, форс, Ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган Исҳоқон Ибрагимнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатишмоқчиман: «**Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиб қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир.**»

Ўйламанки, бу сўзларға ортиқча изоҳнинг хожаги йўқ.

Ҳурматли анжуман қатнашчилар!

Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва маънавию янада ошириш бўйича олдинда уга муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Аввало, бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонунни бугунги кун талаблари нўқтаи назаридан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, тақомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа фундаментал тадқиқотлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, санает, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилини тўлақонли қўллаш билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларға мансуб ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганишлари учун тегишли шароит яратиш бериш, юртимизда ва хорижда ўзбек тилини ўргатадиган ўқув марказларини қўпайтириш зарур.

Шу мақсадда янги дарсликлар, қиёсий ва турли соҳаларға оид луғатлар, иш юритиш ва сўзлашув қўлланмалари нашр этиш, лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосини тақомиллаштириш, бу тизимға тўлиқ ўтиш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқбол билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашға эришмоғимиз зарур. Бу ишлар учун молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз керак.

Ўзининг бебаҳо асарлари билан она тилимизнинг қадрини ва қаддини тиклаган буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукаммал энцикло-

педиясини яратиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни асосан, Интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмақда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқарли тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон луғатларни яратиш керак. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим.

Давлат тили масаласи миллий гоёмизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан синдириш мақсадида таълимнинг барча bosқачларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукаммал ўргатишға алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Токи, болалигимиз ўзбек тилида равоён қўлайдиган, равоён ёздадиган ва теъран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишимиз.

Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳоама қилинаётган, қўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпича хорижий тилларда, маънавиятимизға ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизға бепасандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан биргаликда ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибға солиши зарур.

Чунки ижтимоий объектларға ном бериш — бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни аққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Бунинг ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслиғи керак.

Биз халқимизнинг тақдирини, эртанги кунини ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларимиз, бетакор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

Мухтарам айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборини мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанға эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондисига айлан-тиришимиз лозим.

Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиланимиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизға, урф-одат ва қадриятларимизға ҳурмат, Ватанға меҳримизни амалий фаолиятда намоён етишимиз керак.

Мухтарам ватандошлар! Сизларни ва бутун халқимизни ўзбек тили байрами билан яна бир бор чин қалбидан табриклайман.

Барчангизға сийҳат-саломатлик, оилаларингизға файзу барақа, бахту саодат тилайман.

Ўзбек тили — она тилимизнинг нуфузи, обрў-эътибори янада зиёда бўлсин!

Шундай бебаҳо бойлик соҳиби бўлган, уни ҳамиша асраб-авайлаб келаятган азиз халқимиз омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Маънавиятимизнинг битмас-туганмас манбаи

Мустақил давлат тилимизнинг нуфузини янада юксалтирди. Юртимиз буйлаб ва халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадхияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдирди.

► Бугуннинг гапи

Тўй ва бошқа маросимларни ихчамлаштириш бўйича кўпдан буён гапириб келинаётгани, зарур чоралар кўрилатганига қарамасдан, ҳали-ҳамон жойларда ҳаддан ошиш ҳолатлари учраб турибди. Кимдир тўй олди ва кейинида "тўйчалар"ни авж олдириб, хурмача қилиқларни ўйлаб топаётир. Маст бўлиб олиб, давлатимиз рамзларидан бўлган пулни меҳмонларнинг боши узра сочишни одат қилишяпти. Бу шунчаки иллат эмас, балки халқимиз ва давлатимиз рамзларига ҳурматсизлик ҳамдир.

Тўй тўйдаё бўлсан...ми?

Олий Мажлис палаталари қарори билан тасдиқланган "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомда ана шу жиҳатлар инобатда олинган. Унга кўра, эндиликда оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солишда ихтимой адолат ва қонунийлик, миллий урф-одат ва қадриятларга содиқлик, бошқа дин ва миллат вакиллари урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олиш тамойилларига риоя этилади. Шунингдек, эндиликда миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли расм-рўсулар, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган бошқа тадбирларни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Тўйнинг асрлар давомида шаклланди ўз қонун-қоидалари бор. Азалдан миллатимизга хос тутумлар, уду, урф-одатлар файзли, ибратли, ортиқча исрофгарчиликсиз ўтказилиб келинган, тўй бошида турган инсонлар тежамкорлиқни мақбул таомил деб билганлар. Афсуски, бугун ундай эмас...

Барчамизнинг кўз ўнгимизда ҳаддан ошиш, кимўзарлик авж олмоқда. Тўй қортежлари, сон-саноксиз тоғралару олди-бердиллар, киз томонни кўвнинг уйни хориж мебеллари, асбоб-анжомлари билан тўндириб бериши ҳамда ўйлаб топилган бошқа ҳолатлар оила иқтисодига бутур етказишдан ташқари, аҳоли орасида табақаланиш кучайишига олиб келмоқда. Айрим одамлар ўйлаб топаётган бундай сохта тадбирларни кўр-кўро-на оdatта айлантириб олимпиази. Шўх-рат қозониш, бошқаларга ўз "мен"и мизни кўрсатиб қўйиш учун қилаётган бу харажатларимиз халқимизга қимматта тушмоқда. Тўй қилман деб катта қарзга ботган, соғлигини йўқотган юртдошларимиз кўп кузатиляпти. Энг ёмони, бу расм-рўсулар одатга айланиб борапти.

Масалан, "келин салом" фақат оила даврасида, янги келиннинг ўзга бир хонадонга мослашишига расм ўткази-

ладиган оилавий удуи эди. Аввалига у 30-40 кишилик зиёфатбозликка, бугунги кунга келиб эса катта харажат талаб қиладиган маросимга айланиб улгурди.

— Илгарилари киз кўвнинг уйига мебула бошқа рўзгор анжомларини олиб бориши уят саналар эди, — дейди социолог Мансур Бекмуродов. — Чунки, киз боланинг ўзи бебаҳо мукофот, бир хонадондан иккинчисига келин эвазига келтириладиган қимматбахо олий маъжудот эди. Уни беқадр маҳсулотга айлантиришди. Киз бола бошқа хонадонга ўтиши учун ўзи билан бирга мебула, гилам, идиш-товоқ, кўрпа-тўшак, ҳатто ўйиннинг пардасигача барча-барча буюмни олиб бормаса, бўлмайдиган ҳолатга келтириб қўйилди. Бу "сохта тадбир"ни халқимизнинг ўта зарарли анъанасига айлантириб қўйишда бефарқлигимиз оқибати. Чунки, жамият бу билан курашмади. Натижа-ни эса кўриб турибсиз.

Тўй — инсоннинг оила қуриш, бахтли, тинч-тотув турмуш кечиришига эришиш, авлодлар бардавмолигини таъминлаш йўлидаги сайъ-харажатлари ифодаси эмасми? Мақсад икки ёшга бахту иқбол тилаб, янги оилани элга маълум қилишми? Катталарнинг номақбул одатлар, молу дунёга, ҳо-ўо хавасга ружу қўяётгани фарзандларимиз маънавиятида ўз изини қолдираёпти. Ҳатто йигитларнинг бўлажак келиндан ҳеч андишасиз қилаётган таъмаси — истақларини эштиби, мардлик, гўрур, орият қаерда қолди, дейсиз.

— Яқинда шундай бир воқеага гувоҳ бўлдим, — дейди Республика хотин-қизлар кўмитаси бўлим бошлиги Дилором Қўзиёева. — Келин томон бўлажак кўвга сарпо қилиш мақсадида уни дўконга чақиради. Кўвга эса улар танлаган сарпо ёқмайди. Ўзи ундан уч барабар қимматроқ сарпо тахлайди ва сотувчига "Қайнотамга айтарсиз, пулни ташлаб кетайди", дейди. Сотувчи бўлажак қайнотаннинг энг яқин дўсти бўлиб, бу ҳолатдан ҳайратга тушади. У дўстига бундай йигитга

қиз бермаслигини маслаҳат бериб, "Ҳали тўй бўлмасдан туриб, қайнотадан таъма қиладиган йигит эртага оилани таъминлашда катта муаммоларга учрамайди деб ким айта олади", дейди. Шу боис бу тўй тўхтатилади.

Айрим йигитларда "ота-онаси бадавлат кизга уйлангач, ҳаётим моддий қийинчиликсиз ўтади" деган қараш шаклланиб улгургани афсусланарли. Бунда ҳам катталарнинг таъсири кўзга ташланади. Келин олиб келган мебуллар хорижники бўлмаса, сарпо-суруғлар ва ўйлаб топилган бошқа расм-рўсуларда камчилик бўлса, қайнонанинг эътирози, хархашаси ортиб бораётгани бор гап. Бу эса укаларимизда қайнота-қайнонанинг кўвига берган моддий кўмагига ишониб қолиш, масъулиятсизлик, боқимандалик хусусиятини шакллантирапти.

— Халқнинг маънавий мероси бўлган тўй унутилмас, қувончли воқеа, — дейди Тошкент шахар "Нуронийлар" кенгаши аъзоси, тарих фанлари номзоди Искандар Ҳайитов. — Дабдаба-ю машава бу гўзал маънавиятни бузади, холос. Ортиқча сарф-харажат, исрофгарчиликдан бўлак ҳеч нарса эмас. "Фаровонлик заманида орзу-ҳавас қилсак нима бўпти, нега бошқалар аралашаверади?" — дейдиганлар бор албатта. Тўғри, жамиятда одамлар орасида яшар эканмиз, элдан чиқишга ҳаққимиз йўқ. Биргина сизнинг орзу-ҳавасингиз минглаб одамларнинг ҲАДИГА таъсир кўрсатиши, маънавий муҳитни издан чиқариши мумкин. Шундай экан, бу ишлар назоратга олиниши шарт.

Никоҳ тўйларини икки ёшнинг жамиятга янги оила бўлиб кирганини билдириш эканини ёшларнинг онига сингдириш керак. Афсуски, бу ота-оналарнинг жамиятдаги ўрнини белгилаш ролини ўйнаб келмоқда. Қисқаси, бу катталарнинг ўз шахсий "мен"ини қондиришининг бир кўринишидир.

Бир оилани биламан. Оила бошлиғи бир неча йилдан буён Россияда ишлаб келяпти. Бу орада киз чиқарди, икки ўғлини уйлантирди. "Элдан кам бўлмай" деб, дангиллама тўй қилди. Йиллар давомида пешона тери эвазига келган маблағини бир кунлик тўйга сарфлади. Тўйдан кейинги "салом", "чал-

лари", "йўқлов"ларни ўтказгунча бўлари бўлди. Энди ташвишлари арди, у ҳам иссиқ уйда, оила аъзолари бағрида ашайди, деб ўйлагандик. Йўқ, у анча қарзга ботган, қарзидан қутулиш учун яна ўзга юртга ишлагани кетишга мажбур эди.

Инсон орзулари билан гўзал. Аммо бу орзулар соғлигингизни бой бериш, яқинларингиздан йироқда, соғинч ва изтиробда умргузаронлик қилиш эвазига ижобат топмаслиги керак.

Бугун нафақат киз чиқараётган, балки келин қидираётган хонадон ҳам тўйларни ихчам, камхарж қилиб ўтказиш, элдан чиқмаган ҳолда тўй бошлаш тарафдори. Агар биз чиндан исрофгарчиликка қарши бўлсак, халқимизнинг қадимий ва энг мўтабар удуми бўлган тўй-маросимларини мусобақага айланиб кетишининг олдини олган бўламиз.

— Ишончим комил тўйларимиз тартибга тушади, — дейди Мансур Бекмуродов. — Аввало, элу юрт назарида бўлган инсонлар, турли лавозимдаги давлат хизматчиларининг тўй-маросимларини Сенат Низомидан четга чиқмаган ҳолатда ўтказишга эришсак, бошқаларга намуна бўла оламиз.

Бундан юз йил аввал йирик аллома Маҳмудхўжа Бехбудий: "Тўй ва таъзияга сарф қилинатурғон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойиллардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду", деган эди.

Ҳа, йиллар давомида йиққанамизни бир кунлик ҳо-ўо хавасга эмас, фарзандларимиз илму камолига сарфласак, бир кун ўз мевасини беради. Зеро, бахт ялтироқ ва сохта ҳашамда эмас, билим ва маърифатда.

Рисолат МАДИЕВА.

Рассом хандаси



► Жаҳонда нима гап?

Экстремист полициячилар...ми?

Экстремизмга алоқадорликда гумонланётган 27 полициячида уч нафари ишдан вақтинча четлаштирилган, иккитаси эса суриштирув якунига қадар таъаб қуролларини топширишга мажбур бўлган.

Париж полиция префектураси раҳбарияти экстремистик қарашларга эгаликда гумон қилинаётган 30 га яқин полициячини текширмоқда. Бунга сабаб 3 октябрь куни Парижда 45 ёшли полициячи 4 нафар ҳамкасбини пичоқлаб ташлаганди. Оқибатда уларнинг барчаси ҳалок бўлган.

Прокурор Жан-Франсуа Рикарнинг айтишича, қотил полициячи радикал салафийлар билан алоқада бўлиб турган.

Париж полициясининг разведка бўлимида электроника бўйича мутахассис бўлиб ишлаган бу ходим разведка маълумотларини радикал гуруҳларга етказиб турган дейилапти. Қотилликни амалга оширган куну у қўлаб радикал кайфиятдаги хабарлар қолдирган.



Дунёдаги энг қадимги марварид

Дунёдаги энг қадимги марварид БАА Лувр музейида ўтадиган "Ҳашаматнинг ўн минг йили" кўргазмасида намоён қилинади. Бу ҳақда "Le Figaro" нашри хабар берди.


Диаметри 2,5 мм.ни ташкил қилувчи ва 8 минг йиллик митти марварид илк бор кенг омма иқтиёрига 30 октябрдан 18 февралгача хавола қилинади.

Марварид Марвава оролидан топилган бўлиб, у шайх Зоид миллий музей коллекцияси тарихига кирди.

Жанговар лазер билан қуроллангилари

Энди АҚШ ҳарбий кемалари жанговар лазер билан қуроллана бошлайди. "The Drive" нашри хабар беришича, "Northrop Grumman" компанияси томонидан ишлаб чиқилган лазер қуввати 150 кВтни ташкил қилади. У "USS Portland" десант кемасига ўрнатилди.

Шу муносабат билан "Solid State Laser" (SSL-TM) деб номланган қурилма Сан-Диегодаги базага етказилган. Қурол 3 км.гача масофадаги кичик жанговар катерлар ва дронларни йўқ қила олади.




Энг хавфли ҳарбий кема

"Military Watch" нашри талқинига кўра, Россиянинг энг хавфли ҳарбий кемаси сифатида "Адмирал Нахимов" ракета крейсери эътироф этилди.

Таъкидланишича, ушбу кема Россия ҳарбий-денгиз флотига тасарруфига 2021 йилда ўтиши керак.

Кема кўп сондаги канотли ракеталар ва энг замонавий ҳуво ҳужумига қарши тизим билан жиҳозланади. Унда радиоэлектрон курашнинг янги тизимлари, "Редут" ва "Кортик" зенит-ракета мажмуалари ўрнатилди.

Мавжуд маълумотларга кўра, крейсернинг асосий кемаларига қарши қуроли "Циркон" ракетаси ҳисобланади, у қўрсаткичлари бўйича АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг шу турдаги асосий ракетаси — "Гарпун"ни ортада қолдиради.



Reuters: Пентагон раҳбари Афғонистонга келди

АҚШ мулофаа вазири Марк Эспер "Толибон" ҳаракати вакиллари билан музокараларни янгилаш мақсадида Афғонистонга келди. Бу ҳақда "Reuters" агентлиги хабар берди.

"Ташрифдан мақсад, тинчлик келишувига эришиш, сиёсий келишувга эришиш — энг яхши ечим", — дея Эспернинг сўзларидан иқтибос келтирмоқда агентлик.

Хабар қилинишича, Пентагон раҳбари, шунингдек, Афғонистон президенти билан ҳам учрашиши режалаштирилган. 2018 йил кўзда АҚШ "Толибон" вакиллари билан тинчлик музокараларини бошлаганди. Тўққиз боқулки учрашувлардан сўнг АҚШ махсус вакили толиблар билан тинчлик келишувига эришилганини маълум қилганди.

Аmmo кейинроқ АҚШ президенти Дональд Трамп Кэм-Давиддаги қароргоҳида Афғонистон президенти ва "Толибон" етакчилари билан махфий учрашув бекор қилинганини маълум қилган.



Интернет хабарлари асосида А.СОДИКОВ тайёрлади.

Эълон
Ёқубжонов Абдумалик Абдусаматовичга тегишли Шайхонтоҳур тумани, Жангоҳ мавзеси, 20-уй, 15-хонадоннинг 10:10:01:02:02: 5049:0001:015 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

► Хотира

Академик Асқар Холмуродов одатдаги турмуш тарзига айланган иш кунларининг бирида қатъий қарорини амалга оширишга киришди. У кўпдан бери маҳзун кайфиятда юрар, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларни тасаввуридан ўтказиб, мантиқни аниқ кўрмаётганди. Гўё кураш бошланган, аммо омад қайси тарафда эканлигини билиб бўлмасди.

Умрнинг бир куну

Ҳамма ўз ҳақиқатида собит, бошқа билан ҳисоблашмас, қолаверса, муқобил фикрга ўрин ҳам йўқ, уни ҳеч ким тингилмасди. Ушанда юқори лавозимда ўтирган бир мулозимга зиёлиларнинг машиини ошириш ҳақида гап бошлаганди, э йўқ, бе йўқ бозордаги чапанлардек сўқиниб юборди. Ҳол-буки, ўша вақтда олим парламент кўмитаси раиси ва кенгаш аъзоси эди.

Бу ҳол А.Холмуродовнинг кайфиятига таъсир қилди, безовта бўлиб юрди: "Халқнинг тақдирини кимларнинг қўлида?" Бу нохушликни тезда унутди. НАТО бош қароргоҳидан катта лойиҳада ҳамкорлик қилиш учун келган тақлиф яна ёруғ дунё-



тут катта даргоҳ, бизнинг йўналишимиз яқин. Қолаверса, бир вилоятданмиз. Бу маҳаллийчиликка ўшаб қолмайдими?

Директор эътирозларни қатъий рад этди. Илмий кенгаш чақирилди ва раҳбар ўз қарорини эълон қилди. Албатта, бу тўхтаб турли қарашларга сабаб бўлди.

Уша кун Тошкент қалин қор кўрпаси қўйнида эди. Уч-тўрт кун олдин ёққан лайлак қорнинг ҳали чети ҳам очилмаганди. Асқар ака зиммасидаги бир юкдан ҳалос бўлгандек енгил тин олди. У ўз ечимидан мамнун эди. Кейин Фанлар академиясига ўтди, қотибятга кириб, ўз қарорини маълум қилди. Куннинг қолган қисмида Олий Мажлисда банд бўлди. У юқорида айтганимиздек, парламентада Фан, таълим, маданият ва спорт кўмиталари раиси ва Олий Мажлис Кенгаши аъзоси эди. Куннинг давоми ҳам одатда-

гидек кенганди. Оқшом юмушларини саранжомлаб уйига борган, овқатланиб, шу кунги га-зета-журналлар билан танишишга киришганди. Мутолаага шўнги кетганидан қабул қилиши лозим бўлган дориларни унутгандир эҳтимол. Аниги — турмуш ўртоғи Людмила Швачко (у ҳам биолог олима) катта залда ўша пайтлари энди урф бўлаётган хориж сериаллари томошасига бутун борлиги билан фарқ бўлганча ўтирарди.

Қаҳрамон Давронов эслайди: "Тайинловдан кейин янгича кайфият билан ишга келдим. Дарҳол иш бошқарувимиз кириб келди-да: "Эшитдингизми?" деди. "Нимани?" "Асқар Ганиевич..." "Нахотки?...". Дод дедимми, бақириб юбордимми, билмайман. Афсуски, шундай фоҳиа рўй берганди".

Шу тахлит Яққабга туғилган, 35 ёшида Киевда биогеология фанлари доктори илмий дакуражини ҳимоя қилган, йигирма йилдан кўпроқ умри давомида Украинада фанда катта кашфиётлари билан тилга тушган, эътироф этилган, хозирда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, Микробиология институти директори, жамоат арбоби бу ёруғ оламни тарқ этди. Ушанда у 58 ёшда эди (тақдирини қаранг, отаси ҳам шу ёшда вафот этган экан).

— Кўпчиликда, айниқса, олимларда ички сезиш тўйғуси кучли бўлади, — дейди тиббиёт

фанлари номзоди, доцент Фулом Жалолов. — Асқар ака: "Отанинг эшидан ўтсам, узок яшаб кетаман", деган гапни кўп тақшироларди. Чамаси, отасининг ёш кетгани унга ёмон таъсир қилган, чет элларда юриб, етарлича ўғиллик хизматини қила олмагани армон бўлиб қолган.

Ҳа, тақдир битиги шундай ёзилган экан. Албатта, энди чинакам камолотга эришган, эътироф этилган академикнинг режалари кўп бўлган. Негаки, бутун фаолияти давомида мақсад сари фақат олға интилган олимнинг истиқболлида кенг майдон очилган, уни дунё илм-фани таниди, эътироф этган, энди у чинакам халқи, Ватани номидан сўзлашга маънавий ҳуқуқ олганди.

— Асқар ака чинакам ўзбек фарзанди эди, — дейди ул зотни яқиндан билган Фулом Жалолов. — Киевдаги уйининг бир хонасини ўзбекча қилиб ясашиб қўйганди: шохи-атлас кўрпачалар, пахта гулли идишлар. Деворда рубоб ва доира. Ширали овози бор эди, тўлқинланиб қўшиқ қўларди. Умуман, раҳматлик ҳар томондан баркамол инсон эди. Бадий адабиётни, шеърятини нозик тушунарди. Ўзи ҳам шеърлар ёзар, ҳатто украин тилидан таржималар қилганди. Меҳрибон, дилқаш, гамхўр. Инглиз, рус, украин, поляк тилларини мукамал биларди. Қўли ширин пазанда — хуллас, халқимизга хос барча

иқтидорларининг унда мужасаси эди. Шунданми, украин олимлари уни ифтихор билан "Икки халқнинг фарзанди", деб атаганлар. Илмий фаолиятига ҳам юксак баҳо бериб, "Украина фанининг ёруғ юлдузи", деб улуғлаганлар, энг нуфузли олимлар уни: "У Украина микробиология фани витаминология бўлимига асос солди", деб таърифлаганлар. Шу тўғрисида Украина ФАнинг А.Палладин номидида нуфузли мукофотига лойиқ қўрилганди.

1985 йилда Ўзбекистонга қайтган Микробиология институти директоридаги иш бошланган Асқар Холмуродовнинг фаолияти янада кенг қамровли бўлди. Юртимиз илмий ҳаётида фаол иштирок этди. Академик, кейинроқ вице-президент бўлди. Истиклол йилларидеда олимнинг юксак халқаро нуфузи ёш давлатимиз илм-фанини жаҳонга танитишда катта роль ўйнади, кўплаб йирик илмий анжуманларда юртимиз номидан, баъзан делегация раҳбари бўлиб қатнашди.

— Асқар аканинг ишончи менга қанот бўлганди, — дейди Қаҳрамон Давронов. — Раҳбарлиги остида бутун қобилиятимни ишга солиб ишлаш иштиёқи бор эди, насиб этмаган экан. У зотдан бизга жуда катта илмий ва маънавий мерос қолган. Жамоамиз етук олим ва жамоат арбобининг номини доим

ҲАКИМ САТТОРИЙ.

1918 йили Туркистон-Комфирқасининг топшириғига кўра, Фитрат (Шокиржон Раҳимий ва Қайом Рамазон билан ҳам-корликда) дастлабки она тили дарслигини яратди (бу ҳақда «Иштирокиюн» газетасининг 1918 йил 1 май сониди «Биринчи она тили курси» деган мақола ҳам чиққан). Кейинроқ олим бу соҳадаги ишларини мукамаллаштириб «Ўзбек тилининг сарфи» (грамматикаси)ни эълон қилади. Ўзбекистон Маориф ноҳияси томонидан тасдиқланган бу дарслик 1925-30 йиллар давомида беш марта нашр этилган.

Фитрат асарлари ҳақида фикр юритилганда, унинг зуллисонинг экани қайта-қайта тилга олинади. Бу бежиз эмас. Фитрат икки халқ тақдирининг тарихи, бирлигини теран англади. Шунинг учун ҳам у айрим асарларини тожик тилида ёзди. 1926 йили Тожик тили грамматикасини эълон қилди.

Фитрат ўзбек тилининг тарғиботчиси сифатида вақтли матбуот саҳифаларида мақолалар билан ҳам чиқди.

Унинг ўзбек адабиёти тарихи, назарияси, ўзбек музыкаси ва Шарқ шахматига оид асарларини кузатганда ҳам адиб

нечоғли улкан тилшунос экани маълум бўлади. Бу фикрни тўлдириш мақсадида, Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур «Девону луғатит-турк» асарини дастлабкилардан бўлиб, ўрганиб чиқиб, нашрга тайёрлаганини эслаш мумкин. Яна айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, Фитрат олтой тиллари гуруҳига кирувчи тиллар табиатини узоқ ўрганган ва 30-йилларнинг ўрталарида «Қадимги мўғул тили луғати»ни тузиб, нашрга тайёрлаган.

Фитратнинг бундан юз йил бурун эълон қилинган қуйидаги мақоласи она тилимиз давлат тили мақомини олганига 30 йил тўлган ҳозирги пайтда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Чунки Фитрат ўзбек тилининг, Навоий каби, араб ва форс тиллари унсурларидан тоза бўлиши учун курашган бўлса, кейинги йилларда уни Европа тиллари исканжасидан қутқариш зарурати туғилмоқдаки, бу йўлда ҳам бизга Навоий ва Фитрат руҳи ҳамроҳ бўлғай.

Ҳамидулла БОЛТАБОВЕВ, филология фанлари доктори.

Абдурауф ФИТРАТ

Тилимиз

Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча. Шоирлик қилмоқчи эмасман, сўзининг тўғриси шудир. Дунёнинг энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили ёнаҳул (яна шу) туркчадир. Бойларнинг бахтсизлиги совет ҳукумати чоғинда бўлган бир ишдир, бундан бурун бахтли эдилар деганлар тилимизнинг ҳолини билмасдан гапирарлар.

Бир тилнинг бойлиги у тилдаги сўзнинг кўплиги (касрати калимот), ундирлик (ундириш) кенглиги (вусъати иштиқок), юсул тугаллиги (мукамаллияти қаваид) билан бўлур. Туркчада сўз кўплиги борми? (Арабчиларимизча айтганда, касрати калимот мавжудми? Бу сўз букун эмас, неча юз йил бурун ўрга чиқмиш, дея Навоийнинг китоби туркчанинг бойлигини очибгина билдира олмас ҳам, туркчада сўз кўплигини яхши билладир. Навоий ёлғиз йиғламоқнинг турларини кўрсататурғон туркча сўзларнинг шунчасини ёзадир: Инграмоқ, синграмоқ, ингичкирмақ, йиғламоқ, йиғламсинмоқ, ўкирмақ, сиқтамоқ.

Мана сизга бир ҳодисанинг етти тури учун отким, ораларинда ингичка айрмалар бордир. Туркчада бу ҳол оз эмас. Арабча нуфуз, мурур, убуру; у тўғрисида туркчада ўтмоқ, кечмоқ, ошмоқ, ортонмоқ бор. Арабча қанд, азм, амал, қаршусинда туркча тилак, истов, орхан бор. Арабча зарф ёнинда туркча идиш бор, совур бор. Арабча фанда манфаат ўринида туркча тосиб бор, унум бор. Арабча қалб ўтрисинда туркча орак билан кўнгул бор. Арабча садр учун туркча кўкс ва кўрка бор. Туркча луғат ёзмақчи бўлганда, туркча сўз бойлиги тўғрисида бундан ортик ёзолмайман. Сўзни туркчада ундирлик кенглиги (яъни вусъати иштиқок)га кўчираман. Илм ишининг туркчасидан ундирилган сўзлар шулардир: Бил, билгай, биллажақ, билгуси, билар, билса, билса-чи, билай, билди, билибдир, билган, била бошлади, била ёзди, била олди, била турди, била берди, билиб, билгач, билгали, билмақ, билиш, билув, билмов, билим, билги, билки, билмас, билмаслик.

Мана сизга ёлғиз феъллардан 13 феъл, кўшма феъллардан 6 феъл. Кўшма феъллардан ҳар бирининг буйруғи бўлиши (феълнинг бўлишлик категорияси), Ҳоли, келажак, шарт, кўзғови бор. 13* 6=78 бўлур. Бунларга уфт (феъллари — феълнинг замон категорияси), вақт, сабаб феъллари кўшилса, 81 та бўлур. Бунга Исм ва сифат ёзилгон 18 кўшилгонда 99 сўз бўлур. Бу 99 тасидида сўз толлуғи (ўзак маъносидида) буйруқдир (яъни бил сўзидир). Демак, туркчада бир томирдан 98 сўз ундиринг эмиш.

Эмди юсул тугаллигига (мукамаллияти қаваидга) боқайлик.

Араб, форс, рус, немис, француз тилларидан қай бирининг сарф (грамматика) китобларини олиб қарасак, кўрамизким, бир сўзни ясамоқ учун бир қанча ёзилгон, ундан сўнг шул қоидадан ташқари қолгон (мустасно) сўзлар деб тўрт-беш сўз кўрсатилган. Турк сўзларинда эса бундай сўз топилмайдур. Юсулсизлик деган ҳоллар туркча сарфда сира йўқдур. Тилимизнинг авжи тўғрисида ҳам бойлиги, тугаллиги билинмиши? Эмди сўзни туркчанинг бахтсизликдан кўтула олмайшидир. Турк тили дунёнинг энг бахтсиз тилидир. Туркчанинг бахтсизлиги араб босқини билан боғланмишидир. Араблар босдиқлари (босиб олган маъносидида) ўлкага ёлғиз ҳукуматларини эмас, динларини, йўсинларинида танитгон, олингон эдилар. Мусулмонликнинг туби, томири Куръон билан ҳадисдир. Шунинг учун янги мусулмонлар арабча ўрганишни ўзларига важиб деб билдилар, ўқидилар, ўргандилар, севдилар. Бундан кейин форсча ва туркча арабча бўғувиға кириб қолдилар. Форс тилининг ҳоли бутунлай ёмонлашди. Форслар ўз тилларини ташладилар. Ёлғуз китобларини эмас, ўзаро ёзувларини ҳам арабча ёза бошладилар. Лекин бу иш кўп чўзилмади. Форс тили бир силкиниш билан ўзини араб бўғуvidан қутқара олди. Форс тилининг бу силкиниши Эрон шоири Фирдавсийнинг арабчалikka қарши қайнаган, қизигон эронли бир миллатчи эди. Ўттиз йил тиришди, донгли «Шоҳнома» китобини ёзиб чикарди. «Шоҳнома» ёзиб чиқарудан Фирдавсийнинг иккита тилаги бор эди: Эрон улусининг арабдан совутиб, эронли туйғусини бермақ ва араб тилини Эрондан суриб чиқармоқ. Шунинг учун «Шоҳнома»нинг ҳар бир еринда эронлини мақтаган шоир арабликка келганда: Заҳир шутур хўрдан сусимор, Арабро бажойи расидаст қор, Ки тахти Каяро кўнад орзу, Туфу, бар ту, чарх кардан туфу! — деб қийқирмишдир. Бу сўзларнинг туркчаси шудир: Туя сути билан илон эти емақдан бошқа иш билмаган арабнинг иши, шу ерга чиқмишим, Эрон императорининг тахтини истайдилар. О, шу ишга сабаб бўлган фалак, туфу сенга, туфу!


Яна шунинг учундирки, Эронда арабча ҳоким бўлгон бир замонда ёзилгон «Шоҳнома»да арабча сўзлар йўқ даражада оздир. Фирдавсий бу икки тилакни билиб, онглаб, ишга киришганини билдирмақчи ўлиб, ёзадирким: Бас, ранж бурдам соли си, Амам зинда кардам ба дини форсий —

демишдир. Туркчаси: Бу ўттиз йил ичида кўп эмкардим (азоб чекмоқ), Эронни форсича ёзганим шу китоб ила тургиздим, демақдир. Форси ишда шундай қилиб ёқасини қутқормиш. Лекин бизнинг бахтсиз туркчамиз бир Фирдавсий етиштира олмаймиш.

Дунёнинг энг бой тили бўлгон туркчамиз ёлғуз арабча кумруқлар (зугум) билан эмас, форсича тепкилари билан даҳи ёзилмишдир. Кўзларимизни тўрт очиб қарайлик, дунёнинг энг буюқ ҳақими бўлгон Ибн Сино турқдир. Иккинчи Арасту атолгон Форобий турқдир. Араб тилини мангулик тиргизиб келган Жавҳарий турқдир. Ваҳдати вужуд фалсафасининг имомларидан ўлган Жалолиддин Румий турқдир. Форсий адабиётнинг пайғамбарларидан бўлган Низомий даҳи турқдир. Шу ерда отлари ёзилгон кимсаларда ёлғуз турк улусини эмас, бутун дунёнинг улуг кишилариндан эрурлар. Икки турк улуси бунларнинг асарлариндан оснилолмай (ажралмоқ) қолмиш, балки ўзларини ҳам яхшигина таниёлмай қолмишдир. Бунлари ўз биликларини туркча ёзсалар эди, букун турк улусининг ҳоли эҳтимолки бошқа турли бўлар эди. Бахтсизлик бунданда ортик бўлурмикан?! Турк ўғли турк бўлгон Маҳмуд Ҳазнавий Фирдавсийни чакриб, турк эзилишини кўрсатган «Шоҳнома»ни ёздурсун, дея ҳар йўлига бир олту берсун. Шу бахтсизликдирки, турк ўғли бўлгон усмонли ҳоқонларига ўз туйғуларини форсича шеър билан сўйлатми недир.

Яна шул бахтсизликдирким: Кафказия туркларининг Қаларин тутмиш дея форс тилининг ҳурмати учун саксон ёринда сўзи ўрнида ҳашот дедирмишдир.

Туркча бахтсиздир. Минг йилдан бери эзила келмишдир. Лекин битмамишдир. Битмас, яшамидир, яшар. Негаким, бойдир. Туркча яшамидир. Яшар, лекин ўзини араб, форс тилларидан қутқара олурми, йўқми? Сўзни бу ерга етиргач, бармоғимни яранинг ўзагина босмиш бўлдим. Бу сурдигимга икки турли жавоб келари белгиликдир. Ҳа, йўқ. Эмди шу йўқ деганлар билан юришайлик. Булар деяларким, туркча араб форс тиллариндан қутулолмас, нечун? Мана далиллари: а) чунки, араб, форс тиллари бойдир. Бунинг жавобини бердикким, туркча ҳам бойдир. Чунки, букунги турк дунёсининг билимли улуг ёзувчилари шу йўлга кирмишдир. Бунга жавоб берамизким: Турк дунёсининг улуг ҳакамлари бўлгон Форобий билан Абу Али ўз асарларини арабча ёзорга қўл қўйган эдилар. Сиз нечун уларнинг изидан чиқдингиз? Сиз Абу Алининг изидан чиққанда, бизда сизнинг изингиздан чиқа олсак ке-



рак; в) чунки, тилимизда кўп нарсанинг оти йўқдир. Жавобимиз: Бу сўздан тилагингиз нимадир? Шул чоқда тилингиздаги араб, форс сўзларининг туркчаси топилмайдур демоқчи бўлсангиз, сўзингиз янгилидир. Туркчани билмас экансиз. Ўрганинг. Ҳозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учу туркча топилмайдур, десангиз тўғридир. Биз ҳам уларни чиқармоқчи эмасмиз. Уларни олурмиз, лекин ўзимизники қилурмиз. Туркчалаштирурмиз. Қоиданинг туркчаси йўқдур. Сарфингда туркчасин тополмадик Иккисин даҳи олурмиз. Лекин, сиз каби Қаваиди сарфия демасдан, Сарф қоидалари дермиз: е) чунки, илмий истилохларнинг туркчаси йўқдир. Ким деди бунга? Шамсининг туркчаси кўшдир. Кавакибнинг туркчаси юлдузлардир. Меънорининг туркчаси суоқ ўтдир. Саҳоби маъни— ёруғ булут, хандаса — ўлчов хат чизик, зовия — бурчак, пуқмоқдир. Кавахи собита турғувчи юлдуздир. Кавкаби зузаиб — куйрукли юлдузлардир.

Тузуқ, бир неча истилохларнинг туркчасини бу кунгача тополмагонмиз, уларни сақлармиз. Чунки, туркчамиз кабо (орқада)дир, дўкки (кўпол), адабиёт тили эмасдир.

Сўз бу ерга келдики? Чидамоқ кўлдан келмас. Каболик, дўққилик кўрсатмоқчи бўлиб деймизким: Сиз улусингизни севмайсиз. Шунинг учун турк улуси ва турк тилининг сиз билан иши йўқдир. Қаршингиздаги кишилар бу сўзни эшитиб ўтирмаслар, қиларини қиларлар. Мен улусини жонимдан ортик севаман дерлар. Бунларнинг мана шу сўзлари кўмучдир (ёлгон). Тушунгизда сиз бир хотинни севсангиз, тиришиб, жон чекишиб, куч билан уйига кирибсиз, ёнига сукулгандан кейин, юзига қараб: Мен сизни кўп севаман, сиз кўн чиройлисиз, лекин шу кўзингиз кўп дўққидир, шуни чиқариб ташланг, бурнингиз ёмон ис берадир, шуни кесиб отинг, десангиз севгилингиз бўлгон хотин икки-уч таёқ уриб сизни кувмасми? Албатта, қувар. Турк тилини севамиз, лекин тили қабоидир, мусиқаси тотсиздир, таризи қоронғудир, деганларнинг ҳам бир-икки таёқ еб, қувилмоқлари керақдир, лекин, турк тили бахтсиздир.

«ИШТИРОКИЮН» газетасининг 1919 йил 12 июндаги 32 сони.

Алишер НАВОИЙ

Туркий тил наздида

Турк назмида чу мен тортиб алам, Айладим ул мамлакатни якқалам.

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур, Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен тахти фармонимга осон, Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Кўнгил бермиш сўзимга турк, жон ҳам, Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.

ЭЛБЕК

Мунгли қушим

Мунгли қушим, сайраб-сайраб кел, англам, Кимлар эрур Турк тилини сотғучи? Булбул каби сайраб турган бу тилни, Уялмайин бу ўлкадан отғучи? Болдай тотли, жондан азиз туркчани Тушунмайин, хўрлаб-хўрлаб ётғучи? Мунгли қушим, уларни қўй, сен сайра! Турк тилининг донгин чиқар кўкларга! Қўй уларни, улар йўлдан озсинлар, Эл ичида бўш бўғузлик сотсинлар!

Абдулла ОРИПОВ

Қалам

Эркалангиз қаламни олиб, Ўпиб қўйинг уни мулойим. Шўрлик ўзи яланғоч қолиб, Кийинтирар эгасин доим.

Сўз

Сўз асли Пайғамбар, У боис балки Одамзод таниган ўз Худойини, Эриган темирнинг томчиси каби Ўртаб юборар у теккан жойини.

Рауф ПАРФИ

Ўзбек тили

Ҳайҳот, топтаганда араб ва мўғил, Ҳаётининг занжирли йили, Бошдан не кечирдинг, мардона ўғил, Ўзбек тили, ўзбек тили. Улуг тарихингга қиламан хитоб, Навоий шегрининг гули, Кечмиш замонларнинг тирик гувоҳи, Ўзбек тили, ўзбек тили. Сени нақадарлик севаман, она, Оҳ, юрагимнинг булбули Бўлиб сайрагансан гўдак чоғимдан, Ўзбек тили, ўзбек тили.

Ғайрат МАЖИД

Дўстим

Кўрмас дема, тоғнинг ҳам кўзи бўлади, дўстим, Оёқлари, қўллари, юзи бўлади, дўстим. Худо жонли-жонсизга тил битгани мисоли, Жилгалари, сойлари — сўзи бўлади, дўстим.

Агар...

Мутлоқ Мулк соҳиби — бойдан, она тил, Қадимдир қуёшдан, ойдан, она тил. Агар бугун сени йўқотиб қўйсам, Сўнг ўзимни излай қайдан, она тил.

Тиллалар бўлғай

Чақалоқ тугилди, аллалар бўлғай, Улғаяр, кейин тўй-яллалар бўлғай. Жарангласа булар она тилимда, Мисоли занг босмас тиллалар бўлғай.

Тафаккур

Тилин туғмишин тишин язмас. (Тил билан туғилганин, тиш билан ечиб бўлмас.) Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Тилингдан олдин қалбингни тарбия қил. Чунки сўз қалбдан келиб, тилдан чиқади. Жалолиддин РУМИЙ

Table with contact information for HURRIYAT newspaper, including address, phone numbers, and subscription details.